Дониёлбий оталик (Дониёлбий ибн Худоёрбий)
(?-1785)
(1758-1785)

Мангитларнинг нуфузли бийларидан, оталик. Бухоро амири Мухаммад Рахимбийнинг амакиси. 1758-йил 24-мартда Мухаммад Рахим вафотидан сўнг унинг ўгиллари бўлмаганлиги учун хонлик тахтига вояга етмаган набираси - Фозилтўра ўтказилган, Миёнкол хокими бўлган Дониёлбий унга оталик килиб тайинланган (1758-1785). Бундан норози бўлган вилоят хокимлари, кенагас, юз, бахрин, бурхут ва сарой кабилалари амирлари марказлашган хокимиятга карши исён кўтариб, 10 минг йигитни куроллантириб, Бухоро томонга юришган. Уларга карши чиккан Дониёлбий исёнкор вилоят хокимлари билан бир битимга келишган. Унга кўра, Фозилтўрани тахтдан тушириб, ўрнига Аштархоний шахзодалардан бўлган Абулгози хонлик тахтига ўтказилган (1758-1785). Дониёлбий хам оталик мансабини, хам амалдаги хукмдорликни ўз кўлида саклаб колган. Дониёлбий оталик даврида хам ўзаро урушлар давом этиб, Кармана, Ўратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун ва бошка жойларда махаллий кучлар бош кўтариб, пойтахт измидан чикишга харакат килганлар. 1781-йил Россия хукумати Бухоро билан савдо битимини тузишга таклиф этганида Дониёлбий бу битимни 92 ўзбек кабиласи бошликлари розилигисиз имзолай олмаслигини билдирган. Бу холат Дониёлбий даврида Бухоро амирлиги сиёсий марказлашув даражаси Мухаммад Рахим давридан анча паст бўлганини билдиради. Бу табиий суратда Бухоро шахри ахолисининг норозилигига сабаб бўлган. Бундан ташкари Дониёлбий кўшин таъминоти учун лўплаб кўшимча соликлар жорий этиб, бу бил;ан пойтахтдаги хунармандлар ва савдо ахлини ўзига карши кўйиб кўйган эди. 1784-йил Бухорода кўзголон кўтарилиб, унда мингга якин киши ўлдирилган. Дониёлбий хокимиятни шахарликлар обрў-етибори баланд бўлган ўгли шохмуродга топширишга мажбур бўлди. Бухоро хонлигини бирлаштириш марказлаштириш учун курашни Шохмурод давом эттирган.
Мангитлардан бўлган Бухоролик тарихчи Мухаммад Ёкубнинг ёзишича: “Дониёлбий сахий ва мурувватли хоким сифатида машхур бўлган, лекин давлат (молия) ишлари билан кизикмаган. Бирон ишни бошлашдан олдин ишнинг кўзини биладиган кишилар билан маслахатлашган”. Дониёлбий хонлик унвонини кабул килмаган, у оталик унвони каноатланган.
Дониёлбий даврида меъморай ёдгорликлардан “Халифа Худойдод” мажмуаси (масжид, мадраса, сардоба ва мозор, 1777-йил) курилиши бошланган.